

Гулистон шаҳар
(контракт тузилган жой)

Бундан бунён “БУЮРТМАЧИ” деб аталувчи РИО ва РИАТМ Сирдарё вилоят филиали номидан низом асосида фаолият олиб боровчи раҳбар С.Д.Урунбаев бир томондан ва бундан бунён “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” деб аталувчи “NEV GROUND PHARM” МЧЖ номидан низом асосида фаолият олиб боровчи раҳбар Т.А.Сайитмуратов бошқа томондан, ушбу контрактни куйидагилар тўғрисида туздилар.

1. КОНТРАКТ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу контрактга асосан Буюртмачи товарни қабул қилади ва тўлайди, Етказиб берувчи эса куйидаги шартларга мувофиқ етказиб беради:

№	Товарларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Бирлик учун контракт нархи	Контрактнинг умумий қиймати (битим суммаси)
1	Товук гўшти	Кг	100	33000	3 300 000
2	Перловка	Кг	15	7000	105 000
3	Макарон	Кг	20	7000	140 000
4	Гурунч	Кг	50	10000	500 000
5	Шакар	Кг	100	9000	900 000
6	Сариёғ	Кг	40	45000	1 800 000
7	Ўсимлик ёғи	Литр	40	19000	760 000
8	Картошка	Кг	300	4000	1 200 000
9	Савзи	Кг	150	2000	300 000
10	Тухум	Дона	400	1200	480 000
11	Кук чой	Кг	4	40000	160 000
12	Томат	Банка	6	17000	102 000
13	Туз	Кг	8	1500	12 000
14	Ун	Кг	40	2800	112 000
15	Крупа манная	Кг	15	8000	120 000
ЖАМИ					9 991 000

1.2. Контрактнинг умумий суммаси 9 991 000 (Тўққиз миллион тўққиз юз тўқсон бир минг) сўм

2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. “Буюртмачи” мазкур контрактни газначилик бўлинимасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 календар кун ичида конунчилиққа мувофиқ, контракт умумий суммасидан 30 % миқдорида (шартнома суммасидан 30% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг 30 календар кун ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

2.2. “Етказиб берувчи” аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 5 календар кун ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. “Етказиб берувчи” амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. “Буюртмачи” товарларни қабул қилишда “Етказиб берувчи” иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва бошқа талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур контракт билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур контрактда кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур контрактга мувофиқ амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Етказиб берувчидан Контрактни бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур контрактнинг шартлариджа бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан жойлаштирилган буюртманомага кўра мазкур контрактга мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра куйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни беғараз бартарф этиш;

- Етказиб берувчидан мазкур контракт шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур контрактга мувофиқ ўзининг жойлаштирган буюртманомаси бўйича етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

- товарларнинг қийматини мазкур контрактда белгиланган нарҳда ва муддатда тўлаш.

3.3. Етказиб берувчи куйидаги ҳуқуқларга эга: